

PhD Р.Н.Имомов

Наманган давлат университети

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОЛЗАРҒ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш потенциалини ошириш давлат аграр сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мақола аграр тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошлигини оширишдаги муаммоларга қаратилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, молиялаштириш, субсидия, экометрик модел, кредитлаш.

ISSUES OF STATE FINANCIAL SUPPORT OF AGRICULTURE IN UZBEKISTAN

Abstract. Increasing the production potential of agricultural producers is one of the priorities of the state agrarian policy. The article is devoted to the problems of increasing the competitiveness of agricultural producers at the national and international levels through state financial support for the agricultural sector.

Key words: agriculture, agricultural producers, financing, subsidizing, econometric model, lending.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятини молиялаштириш тизимини ривожлантириш улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш даражаси юқоридир. «Жаҳонда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда давлатнинг қишлоқ хўжалигига сарфланадиган харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,17 фоизни, ўрта даромадли мамлакатларда 0,62 фоизни ташкил этади. Жумладан, давлат бюджети субсидияси сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг АҚШда 30 фоизини, Японияда 68 фоизини, Канадада 41 фоизини ва Европа Иттифоқида 23 фоизга яқинини ташкил этади»[1]. БМТнинг Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки аграр соҳада ислохотлар амалга оширилаётган

ва бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётини такомиллаштириш миллий дастурларини кредитлаш билан шуғулланади.

Жаҳон амалиётида давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш шакллари фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкаси билан тижорат кредитларининг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бонификациялаш, субсидияланиши тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмоқда. Юқорида амалга оширилган тадқиқотларда давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш даражасининг усуллари, шакллари ва унинг фермер хўжаликлари фаолиятига таъсири, давлат бюджетидан субсидияларни ажратиш тартиби ва ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаганлиги бу борада тадқиқотларни чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш зарур. Ушбу ҳолат аграр соҳа корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш ва суғурталаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиш амалиётини такомиллаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308 сонли “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574 сонли “Пахта хом-ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268 сонли “Аграр соҳани қишлоқ

хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 июндаги ПҚ-4406 сонли “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 533-сонли Қарорида ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги, илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Поляк, В.Ковалев, В.Сенчагов, М.Пессель, С.Барулин, Т.Романова, А.Тарасов, Д.Макнотон, К.Пиплз, И.Петренко, П.Чужиновларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган[2,3].

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашнинг айрим амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Боймуратов, А.Вахабов, С.Исмайлова, Қ.Тошматов, М.Хожибоев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган[3,4.]

Ушбу тадқиқотларда давлат томонидан аграр соҳани бозор иқтисодиёти шароитида қўллаб-қувватлашнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган бўлсада, республикамиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи комплекс ва тизимли мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотда бюджет даромадларига инфляция даражаси ва давлат бюджети сальдоси таъсири, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган субсидияларга давлат бюджети даромадининг таъсири регрессион модел орқали таҳлил қилинди. 2017 йил якуни билан синов тариқасида ва 2018 йил тўлиқ инфляцияни ҳисоблаш усули Халқаро валюта жамғармаси услугиётига ўтганлиги сабабли қишлоқ хўжалигига йўналтирилган субсидияларни фақат

2017-2018 йиллардаги маълумотлар асосида эластиклик коэффицентини топиш орқали таҳлил қилинди.

Давлат бюджети даромадига таъсир кўрсатувчи омиллар

$$БД = a_1 \cdot Inf + a_2 \cdot Def + a_3$$

Бу ерда:

БД – давлат бюджети даромадлари, млрд.сўм;

Inf – инфляция даражаси, фоиз;

Def – давлат бюджети профицити (дефицити), млрд. сўм.

$$БД = 1562,9 \cdot Inf - 41,4 \cdot Def + 32225,4$$

$$t \quad (3,44) \quad (-6,39) \quad (6,30)$$

$$R^2=0,87, \quad F_{stat}=36,22$$

DependentVariable: EXPEN

Method: Least Squares (Gauss-Newton / Marquardt steps)

Date: 02/25/19 Time: 10:48

Sample: 2012 2018

Includedobservations: 7

EXPEN=INFLA*C(1)+DEFITSIT*C(2)+C(3)

	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
C(1)	1562.888	454.0520	3.442090	0.0262
C(2)	41.44828	6.478017	-6.398297	0.0031
C(3)	32225.43	5112.134	6.303714	0.0032
R-squared	0.951190	Meandependentvar		39605.16
Adjusted R-squared	0.926784	S.D. dependentvar		20207.08
S.E. of regression	5467.712	Akaikeinfocriterion		20.34864
	1.20E+0			
Sumsquaredresid	8	Schwarzcriterion		20.32545
	-			
Loglikelihood	68.22022	Hannan-Quinn criter.		20.06212

F-statistic	38.97482	Durbin-Watsonstat	1.653429
Prob(F-statistic)	0.002382		

Давлат бюджети даромадларини қишлоқ хўжалигига ажратиладиган субсидияларга таъсири

$$Subsidy = 0,007 \cdot БД - 114,02$$


$$t \quad (6,01) \quad (-2,23)$$

$$R^2 = 0,87, \quad F_{stat} = 36,22$$

Бу ерда:

Subsidy – қишлоқ хўжалигига ажратилган субсидиялар, млрд. сўм;

БД – давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз), млрд.сўм.



1-расм. Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган субсидиялар ва давлат бюджети даромадлари ўртасидаги алоқадорлик даражаси[1]

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган субсидияларни 2017-2018 йиллар оралиғидаги маълумотлар асосида эластиклик коэффицентини топиш орқали таҳлил қилинди.

$$E_s(Inf) = \frac{\Delta Inf}{\Delta Subsidy}$$

Бу ерда:

$E_s(Inf)$ - инфляциянинг субсидиялар бўйича эластиклик коэффицентини;

ΔInf - инфляция даражасининг ўзгариш суръати;

$\Delta Subsidy$ - субсидиянинг ўзгариш суръати.

2017-2018 йиллардаги инфляция даражасининг қишлоқ хўжалигига субсиядиялар ўзгаришига сезувчанлигини эластиклик орқали таҳлили:

$$E_s(Inf) = \frac{14,3 - 18,9}{18,9} / \frac{454 - 296}{296} = (-0,243) / 0,534 = -0,46.$$

Таҳлиллар кўрсатишича, қишлоқ хўжалигига ажратилган субсидияларни ўтган йилга нисбатан 1 фоизга ошиши инфляция даражасини 0,46 фоизга (ёки 0,09 фоиз бўлимга) паст бўлишига олиб келмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонни Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши юзасидан музокараларни фаоллаштириш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда амалга оширилган Корея Республикасига ташрифида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолиги масаласи ҳам кўтарилди ва АҚШ, Европа Иттифоқи, Корея Республикаси томони ЖСТга аъзо бўлиш борасида тажриба алмашиш ва техник ёрдам кўрсатишга розилигини билдирди.

ЖСТга аъзо бўлишда қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, фермер хўжаликларининг рентабеллик даражасининг паст эканлиги уларга хорижлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан рақобат қилиш имконини бермайди. Бундан ташқари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўлиқ давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Фермер хўжаликлари эса, мазкур мақсадларга маблағлар ажратиш учун ҳеч қандай имкониятга эга эмас. Тадқиқотлар кўрсатишича, узок йиллар мобайнида пахта ва ғалланинг давлат харид нархлари билан қишлоқ хўжалик техникалари, ёқилғи, минерал ўғитларнинг нархлари ўртасида жиддий номуносибликларнинг мавжуд бўлганлиги сабабли фермер хўжаликларида катта миқдорда қарздорлик мавжуд.

ЖСТ томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш жараёнини либераллаштириш бўйича қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб, аъзо мамлакатлар томонидан миллий бозорларни хорижликлар учун очиш бўйича мажбуриятларни бажариш ҳисобланади. Бу эса, республикамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлик муаммосини ҳал қилиш заруриятини юзага келтиради. Чунки, ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг импорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ўрнатиладиган бож тўлови ставкасини 15 фоиздан оширишга рухсат этилмайди.

Ўзбекистонда ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган ёғ-экстракция заводлари хориждан, устун даражада Россиядан келтириладиган ўсимлик ёғларига юқори акция солиғи белгилаш орқали ҳимоя қилинмоқда. Бунинг устига, барча ёғ-экстракция заводларига олтин акция жорий қилиш йўли билан давлат бошқаруви жорий қилинган. Бу эса, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини бермайди. Шу сабабли, ёғ-экстракция заводларига нисбатан молиявий имтиёзлар бериш ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ЖСТга аъзо бўлиш жараёнидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлаш тартибини ўзгартиришга тўғри келади. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, республикада тараққий этган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, қишлоқ хўжалигига имтиёзли кредитлар беришда бонификация усули қўлланилмайди. Фермер хўжаликларига банклар томонидан бериладиган имтиёзли кредитларнинг ресурс таъминоти тўлиқ давлат томонидан берилади. ЖСТ билан олиб бориладиган музокаралар жараёнида улар ушбу кредитларни субсидия сифатида баҳолашлари ҳам мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратиладиган маблағлар қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улушига монанд эмас.

Республикада 2018 йилда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 32,4 фоизни ташкил этгани ҳолда, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган маблағлар Давлат бюджети ҳаражатларининг атиги 1,3 фоизини ташкил этди.

2. Ер майдонлари агрокластерлар ихтиёрига ўтказилган фермер хўжаликларининг имитёзли кредитлар, минерал ўғитлар, ёқилғи бўйича ҳаражатларини тўлаб бериш билан боғлиқ бўлган муаммо.

3. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётини мукамал эмаслиги.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилди:

1. Давлат бюджетининг харажатлар қисмида қишлоқ хўжалигига қилинадиган харажатларнинг салмоғини аниқлашда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушини инобатга олиш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш лозим.

Бюджет маблағлари ажратишда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушини инобатга олиш Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратилган маблағлар ҳажмини ошириш имконини беради. Ўз навбатида, Давлат бюджетининг маблағлари ҳажмини ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятини ривожлантириш имконини бериши билан бирга, Ўзбекистонни ЖСТга аъзолигининг муҳим масалаларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигига бериладиган субсидияларнинг чегаравий миқдорини белгилашда қўл келади. Чунки, ЖСТнинг талабига кўра, ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқариш қийматининг 10 фоизигача суммага давлат томонидан қишлоқ хўжалигига субсидия беришга рухсат этилади.

2. Қишлоқ хўжалигидаги рискларни суғурталашнинг давлат томонидан субсидиялаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, суғурта тарифларини ўрнатишда юқори интенсив технологияларни қўллаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва табиий-иқлим шароити оғир бўлган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари) кесимида табақалашган ёндашувни жорий қилиш лозим; иккинчидан, субсидияларни ҳисоблаш учун суғурта қиймати ва ставкаларини бир хил даврий оралиқдаги ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш керак; учинчидан, табиий офатлардан (сел келиши, туз ёғиши) кўрилган зарарларни қоплаш учун алоҳида давлат суғурта жамғармаси ташкил этиш лозим.

3. Қишлоқ хўжалигига молиявий хизматлар кўрсатувчи ягона тижорат банки бўлган Агробанкнинг ликвидлигини таъминлаш ва ресурс базасининг барқарорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

а) Агробанк фаолиятидаги трансформация рискига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, Агробанк активлари ва жалб қилинган маблағларининг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, Агробанкнинг қисқа муддатли ресурслари ҳисобидан берилган узоқ муддатли кредитларни давлатга тегишли ресурслар ҳисобидан қайта молиялаштириш керак;

б) тугатилган фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни, тадбиркорлик rischi натижасида юзага келган қарздорлик сифатида баҳолаб, уни Агросуғурта компаниясининг

маблағлари ҳисобидан Агробанкка тўлиқ тўлаб берилишини таъминлаш керак;

в) Агробанкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг маълум қисмини Агробанкка узоқ муддатли депозит сифатида жойлаштириш лозим; иккинчидан, Агробанк фойдасининг регулятив капитални тўлдиришга йўналтирилган қисмига боғлиқ равишда солиқ имтиёзи бериш зарур; учинчидан, Агробанк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар қийматининг инфляция таъсирида пасайган қисмини давлат томонидан субсидиялашни жорий қилиш йўли билан ушбу қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш керак.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини лизинг асосида молиялаштириш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

а) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган лизинг объектларига ҳисобланган амортизация ажратмаларини инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланиши ҳисобига пасайган қийматини давлат томонидан субсидиялашни жорий қилиш зарур;

б) фермер хўжаликларининг ихтиёрий келишуви ва маблағлари ҳисобига ташкил этилган ва лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланаётган машина-трактор паркларини улар ташкил этилган дастлабки 3 йил мобайнида солиқ тўловларидан озод қилиш лозим.

5. Қишлоқ хўжалигига молиявий хизматлар кўрсатадиган тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган узоқ муддатли облигациялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юқори ликвидли актив сифатида тан олинishi керак.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Поляк Г.Б. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 703 с.;
2. Ковалев В.В. Финансы: Учебник. -М.:Финансы и статистика, 2010. – 296 с.;
3. Сенчагов В.К. Финансы, денежное обращение и кредит. - М.: Инфра-М, 2004. - 702 с.;

4. Пессель М.А. Эффективная деятельность кредитных организаций – фактор системной устойчивости банковского сектора// Ж. Финансы и кредит. – М.: 2009. № 17. – С.32-43.;
5. Барулин С.В. Финансы: Учебник. - М.: КНОРУС, 2017. – 640 с.;
6. Романова Т.Ф. Финансовый механизм бюджетных учреждений: теория и методология. Монография. - М.: Финансы и статистика, 2002. – 255 с.;
7. Тарасов А. Формирование регионального рынка зерна// Ж. Вопросы экономики. – М.: 1997. №8. - С. 145.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирного банка, 1994. – 324 с.;
8. Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России// Ж. Вопросы экономики. – М.: 1997. №8. – С. 156.;
9. Петренко И.Я., Чужинцев П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. – Алма-Ата: Кайнар, 1992. – 560 с.
10. Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.н...дисс.автореф. – Т.: 2008. – 23 б.;
11. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни// Қишлоқ тараққиёти ва аҳоил турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Молия, 2009. – Б. 22.;
12. Исмаилова С.С. Ўзбекистон Агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари: и.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 23 б.;
13. Тошматов Қ.Ф. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмининг такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш: и.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 2010. – 23 б.;
14. Хожибоев М.Ш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимининг такомиллаштириш: и.ф.н... дисс. автореф. – Т.: 2010. – 22 б.
15. Сирожиддинов К. И., Имомов Р. Н. Финансовая поддержка фермерских хозяйств в условиях либерализация экономики в Узбекистане // Молодой ученый. – 2014. – №. 1. – С. 425-426.
16. Сирожиддинов, К. И. Вопросы наращивания экспортного потенциала аграрных производителей / К. И. Сирожиддинов // Приоритетные векторы развития промышленности и сельского хозяйства : материалы IV Международной научно-практической конференции : в 7 т., Макеевка, 15 апреля 2021 года. – Макеевка: Государственное образовательное учреждение



высшего профессионального образования «Донбасская аграрная академия», 2021. – С. 391-397. – EDN ZYTZMI.

17. Sirojiddinov K. I., Imomov R. N. Some Aspects Of The Formation Of Agricultural Clusters In The Republic Of Uzbekistan //The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. – 2020. – Т. 2. – №. 08. – С. 39-43.